


IN THE TEACHER-STUDENT RELATIONSHIP APPLICABLE MANAGEMENT ART LINGUCULTUROLOGICAL RESEARCH

pdf (English)

Sidiqjon Muminov, Sherozbek Muminov



Аннотация

The article examines the art of management applied in teacher-student relationships and its specific features in the linguoculturological aspect.

Библиографические ссылки

1. Ахлоқ-одобга оид халис намуналари. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Навоий А. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2006.
3. Рузлий Ж. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2008.
4. Шайх Мухаммад Солих Мухаммад Юсуф. Иқтисодий одоблар. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2013.
5. Қаюмов А. "Ҳайратул-абсор" талқини. – Тошкент: Гафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
6. Қаюмов Л. Меридианлардаги учрашувлар. – Тошкент: Гафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
7. Қурони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўпон, 1992.

DOI: <https://doi.org/10.47100/v1i2.265>

**УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТИДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БОШҚАРУВ САНЪАТИНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

Сидикжон МЎМИНОВ,

ФарДУ профессори,

филология фанлари доктори.

Шерозбек МЎМИНОВ,

ФарДУ магистранти.

siddiqjon.mominov@bk.ru

+998 90-406-2729

Аннотация. Мақолада устоз-шогирдлик муносабатларида қўлланиладиган бошқарув санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари лингвокультурологик аспектда тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: устоз, шогирд, муносабат, бошқарув, раҳнамолик, санъат, одоб, ҳурмат, тадқиқ.

Аннотация. В статье исследовано искусство управления в лингвокультурологическом аспекте применяемое в отношениях между наставником и учеником, а также их отличительные особенности.

Ключевые слова и выражения: наставник, ученик, отношение, руководство, предводительство, искусство, этикет, уважение, исследование.

Annotation. The article examines the art of management applied in teacher-student relationships and its specific features in the linguoculturological aspect.

Keywords and expressions: mentor, disciple, attitude, management, guidance, art, etiquette, respect, research.

“Бошқарув”, “раҳбарлик” сўзларининг маъно кўлами кенг ва серқирра бўлиб, унинг таркибига устоз-шогирдлик муносабатларида қўлланиладиган раҳбарлик ҳам киради. Чунки устознинг шогирдга бўлган муносабати, унга илм йўлида раҳнамолик қилиши ҳам бошқарув санъатининг энг нозик ва ўта серқирра кўринишларидан биридир.

Дунёга не-не даҳоларни тухфа этган Ўзбекистонда ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам илмга, таълим-тарбияга, устоз-шогирдлик муносабатларига жуда катта эътибор қаратиб келинади. Шунинг учун асосий мавзуга ўтишдан, устоз-шогирдлик муносабатларида қўлланиладиган бошқарув санъати ҳақида сўз юритишдан аввал илм ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

“Илм” сўзи луғатда бир нарсани воқеликдагидек идрок этишни билдиради. Шаръий истилоҳда эса маънавий ишларда нарсаларни тескариси йўқ даражада аниқ билиш сифатига “илм” дейилади.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз (мажбурий) қилиш ҳам фақат Исломда бор.

Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган. Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида тўла маълумотлар келган. ...Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида илм нуруни бутун оламга тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешиқдан то қабргача илм талаб қилишни ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда умр бўйи ўзини толиби илм ҳисоблаб яшаган. [4, 353].

Келтирилган иқтибосдан маълум бўлмоқдаки, ота-боболаримиз бешиқдан то қабргача илм талаб қилишни ўз меросхўрлари – бугунги авлодлари онгу шуурларига сингдириб келганлар. Шунинг учун ўзини шу юртнинг асл, айниқса, зиёли фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир ўғил-қиз бутун умр илм олишга интилиб, бошқаларга ҳам шуни тарғиб қилиб келади. Бу эса жамиятда устоз-шогирдлик муносабатларининг шаклланишига сабаб бўлган. Чунки ҳамма соҳада бўлгани каби илм, зиё, маърифат соҳасини ҳам

устоз-шогирдлик анъанасисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, Мавлоно Жалолоддин Румий таъбири билан айтганда:

Йўлчига лозим ҳамиша раҳнамо,
Йўкса ул йитгай, адашгай дашт аро. [3, 82].

Устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида гап кетганда биз кўпинча асосий эътиборимизни толиби илмлар, яъни шогирдлар одобига қаратамиз. Аслида таълим олиш билан таълим бериш бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бири иккинчисисиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам талаба бўлиб илм олишга қанчалик тарғиб қилинган ва бу ишга савоб-мартабалар ваъда қилинган бўлса, олим бўлиб таълим беришга ҳам шунчалар тарғиб қилинган ва бу ишга ҳам савоб-мартабалар ваъда қилинган. Илм талаб қилиш фарз бўлгани каби, таълим бериш, шогирд кўлидан етаклаш ҳам фарз қилинган.

Ўзи яхши кўрган, ўзи билган нарсаларни бошқалар (шогирдлар)га ҳам илиниш муқаддас Қуръони каримда ҳам алоҳида таъкидланган. Аллоҳ таоло Шуаро сурасида марҳамат қилади: “Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг” (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг!). [7, 269].

Яхши устоз бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири – бу, ўзидан олдин ўтган устозлар хурматини жойига қўйишдир. Бу борада ҳам Алишер Навоийдан ибрат олиш мумкин: «“Хамса”нинг ҳар бир китобида Навоийдан олдин “Хамса” яратган буюк адиблар Низомий, Хисрав, Жомийларнинг таъриф ва тавсифлари берилган. “Ҳайратул-аброр”нинг ўн иккинчи боби Низомий ва Хисрав, ўн учинчи боби эса Жомийга бағишланган. Ўн иккинчи бобдаги ўттиз саккиз байтнинг тенг ярми – ўн саккиз байти Низомийга, ўн саккиз байти Хисравга ажратилган. Унинг сарлавҳаси Низомий ва Хисравларнинг “Хамса” яратиши ва улар орасидаги ижодий мусобақани ифода этади...» [5, 14].

Устозининг хурматини жойига қўймаган, ундан қочиб юрадиган шогирд устозидан эмас, давлатдан, бойликдан қочиб юрган бўлади:

Кимки устоздин қочаркан, яхши бил,
Қочгай устози эмас, давлатдин ул. [2, 119].

Устоз шогирд қалбига йўл топмай туриб, уни ўз ортидан эргаштира олмайди, албатта. Бунинг учун эса бола билан бола, гўдак билан гўдак бўлиб тиллашишни билиши керак:

Чол гўдакни эркалаб, “ти-ти” дегай,
Гарчи идроки жаҳонни қамрагай. [2, 82].

Таълим-тарбия соҳаси шу қадар мураккаб, нозик жарёнки, бу масалада ҳаммага ҳам, ҳар доим ҳам бир хил усулни қўллаб бўлмайди. Яъни энди саводини чиқариб келаётган ёш бола ўқиш қоидаларига риоя қилолмай ўқир экан, уни камситмай, анча ўсиб қолганини айтиб, кўнглини кўтариш керак:

Тифл ҳижо билмай ўқур чун савод,
Қил ўқурин зеру забар эътиқод. [2, 148].

Шу билан бир қаторда, болаларга меҳрибонлик, юмшоқлик яхши бўлса ҳам, ўрнида қаҳру сиёсат ҳам керакли чорадир:

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир. [2, 98].

Устоз-шогирдлик илмининг бу каби сиру синоатларидан бохабар бўлган зиёлилар фақат ўзлари илм ортидан қувиб қолмасдан, бошқаларни ҳам илм-

зиёга, маърифатга тўхтовсиз даъват этувчи, чин маънодаги маърифатпарвар – шогирдпарвар бўлганлар.

Мақоламиз фақат назарий маълумотлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун ўзидан яхши ном қолдирган улуғ сиймолардан бири – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Лазиз Пўлатович Қаюмовнинг шогирдпарварлик хислатлари ҳақидаги айрим фикрларимизни баён қиламиз.

Дастлаб Лазиз Қаюмов табиатида шогирдпарварликнинг пайдо бўлиш сабаблари, манбалари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бунинг бош сабаби сифатида оилавий муҳитни келтириш мумкин. Чунки унинг отаси Пўлатхон Қаюмов ҳам, акаси Азизхон Қаюмов (академик)лар ҳам замонамизнинг энг пешқадам зиёлиларидан эдилар. Мана шундай маърифатпарварлар оиласида таваллуд топган Лазиз Қаюмов болалигидан Қуръони каримдан юқорида келтирилган оятлар мазмун-моҳиятини қалбининг қат-қатига сингдирган ҳолда улғайган бўлса, кейинчалик ўзи мустақил ҳолда “Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиффор айтадилар” [1,138] мазмунидаги ҳадислардан; Мавлоно Жалолиддин Румийнинг юқорида келтирган ибратомуз байтларидан ва қатор уламоларнинг ушбу мавзуда ёзиб қолдирган пурҳикмат меросларидан мустақил ҳолда баҳраманд бўлди ва бутун фаолияти давомида бу ғояларни ўзига дастуриламал қилиб яшади.

Мана энди устознинг ўз фаолиятида шогирдпарварликка қандай амал қилганлиги ҳақида фикр юритсак ҳам бўлади.

Лазиз Қаюмовнинг таржимаи ҳолидан маълум бўладики, у илм билан ижодни тенг олиб борган қўшқанот устоз эди. Яъни, 1952 йили Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини тамомлаганидан кейин 1962 йилгача ўзи ўқиган олий ўқув юртида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида таълим-тарбия ишлари билан шуғулланган

бўлса, 1962 йилдан 1981 йилгача “Ўзбекистон маданияти”, 1984 йилдан 1988 йилгача “Совет Ўзбекистони” газеталарининг бош муҳаррири лавозимларида фаолият юритди. У кишининг бевосита илмий раҳбарлиги остида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган йигирмадан ортиқ илм фидойилари устозга олим сифатида эргашган бўлсалар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Омон Матчон, Муҳаммад Юсуф каби етук шоир ва ёзувчилар ижод соҳасида у кишининг этагини тутдилар.

Бунинг бош омили яна устознинг шогирдпарварлигига бориб тақалади. Фикримиз куруқ бўлмаслиги учун ўзимиз бевосита гувоҳи бўлган бир-иккита ҳаётий мисоллар келтирамиз.

...1976 йилнинг куз ойларининг бирида Лазиз Қаюмов бир гуруҳ ижодкорлар билан Фарғонага ташриф буюрганларида Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) ўқув залида ҳам қизиқарли учрашув ташкил этилган эди. Даврани бундай ижодий учрашувлар ўтказиш ҳадисини олган профессор Лазиз Қаюмов ўзига хос маҳорат билан бошқариб борар эди. Тадбир ўрталарида ўша пайтда “Ўзбекистон маданияти” газетасининг бош муҳаррири лавозимида фаолият юритаётган Лазиз Қаюмов кутилмаганда шундай деб қолди:

– Таҳририятдаги кундалик фаолиятимиз конвертларни қайчилашдан бошланади. Шундай кунларнинг бирида қўлимга кичкина-кичкина, юмалоқ-юмалоқ, жажжи-жажжи, аммо ўта жиддий, ўта ҳаёти ва ўта фалсафий шеърлар тушиб қолди. Уларни газетада эълон қилганимиздан кейин бундай шеърлар яна келди. Яна чоп этдик. Мавзу салмоғи, мисраларнинг бадиий пухталигидан мен бу шеърлар муаллифи ёши анча катта, ҳаётий тажибага эга бўлган, олий маълумотли киши бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Кейин билсам, у ҳали талаба – мана шу даргоҳда ўқир, ҳозир шу даврада иштирок этаётган экан! Манзили ҳам жуда қисқа: Фарғона вилояти, Риштон тумани, Дутир қишлоғи. Баҳодир Исо. Сўз – Баҳодир Исога!

Гулдурос қарсақлар остида Баҳодир Исо даврага чиқиб келди ва ўзига ғойибона устозликни бошлаб юборган профессор Лазиз Қаюмов билан илк бор

рўбарў бўлди. Шу зайл профессор, республикадаги энг нуфузли газеталардан бирининг бош муҳаррири Лазиз Қаюмов ва оддий талаба Баҳодир Исо ўртасида устоз-шогирдлик муносабатлари бошланиб кетди. Бу “Катта бўлсам, мен ҳам таниқли шоир бўламан” деган умидда қалам тебратиб юрган оддий ижодкор талабанинг бошига бахт қушининг қўнгани эди. Чунки бу ҳодиса Мавлоно Жалололиддин Румийнинг:

Тушса сенга бир худоёрнинг кўзи,
Ёр бўлур сенга Худойимнинг ўзи, – [3, 58].

байтида илгари сурилган ғоянинг ҳаётга кўчгани эди.

Бу тарихий воқеадан кейин оддий бир кишлоқда туғилиб катта бўлган, ҳали олий ўқув юртининг эндигина бошланғич курсларида таҳсил олаётган Баҳодир Исонинг шеърлари республика газета-журналларида тез-тез босилиб турадиган бўлиб қолди.

– Устоз назарига тушганимдан кейин Республика Ёзувчилар уюшмасининг, Тошкентдаги барча нуфузли таҳририятларнинг эшиклари катта очилиб кетди, – дея эслайди Баҳодир Исо. – 1977 йили халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Ориповга шеърларимни кўрсатдим, 1978 йили ўша пайтдаги “Ёш ленинчи” газетасида “Мангу мерос” номли дostonим босилиб чиқди, кўпгина таниқли газета-журналларда туркум шеърларим бирин-кетин чоп этилди.

XX аср 80- йилларининг энг сиёсий газеталаридан бири – “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1986-1987 йилларида чиққан ўнга яқин сонларида Баҳодир Исонинг туркум шеърлари босилиб чиққан. Ўша давр сиёсатидан бутунлай ҳоли бўлмаган бу шеърларда мангуликка даҳлдор бўлган, устоз таъбири билан айтганда, жажжи-жажжи, аммо фалсафий шеърлар ҳам талайгина. 1987 йилнинг январь ойи биринчи сонидан чоп этилган “Ҳаёт” деб аталган туркум шеърлардан битта тўртлигини келтирамиз:

Мен излаб бормадим, келмадинг сен ҳам,
Зормисан ёки йўқ, билмадим мен ҳам.
Мен бунда қувондим, беҳабар қолдинг,
Сен унда кулибсан... Кулмадим мен ҳам...

Балки мана шундай ҳароратли, фалсафий сатрлар устоз Лазиз Қаюмов диққатини ўзига тортгандир.

Нима бўлганда ҳам келажакни, йилт этган учкун ортидаги порлок, ёрқин нурни дил кўзи орқали кўра оладиган Лазиз Қаюмов ҳамма устозларга ибрат бўла оладиган том маънодаги шогирдсевар, шогирдпарвар устоз эдилар. Фикримизни устознинг 1976 йили Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан “Меридианлардаги учрашувлар” деб номланган каттагина китобининг титул varaғига ёзилган қуйидаги жумлалар ҳам яққол тасдиқлаб турибди: “Назаримда, шогирдсиз адиб фарзандсиз инсон, мевасиз дарахт, ҳосилсиз боғ, сувсиз дарёга ўхшайди. Бу китобимни севимли шогирдларимга бағишладим. Автор”.[6, 2].

Шогирдларига бағишлаб китоб чиқарган яна бирор муаллифни биласизми? Бундай ишни фақатгина ўзини бутун вужуди билан илм-маърифатга бахшида этган, чин маънодаги шогирдсевар, маърифатпарвар устозгина қила олади.

Х у л л а с :

а) ўзбек тилида қўлланиладиган “бошқарув”, “раҳбарлик” сўзларининг маъно кўлами кенг ва ранг-баранг бўлиб, устоз-шогирдлик муносабатларидаги бошқарув санъати ҳам мана шу кўламнинг ичига киради;

б) устоз-шогирдлик муносабатларидаги бошқарув санъати ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги раҳбарликдан нозик қалб эгалари билан боғлиқлигига кўра жиддий фарқ қилади;

в) ҳам илмий, ҳам ижодий соҳада кўплаб шогирдларга раҳнамолик қилган Лазиз Қаюмовга ўхшаган устозлар фаолиятидаги кузатувчанлик, бағрикенглик, меҳрибонлик каби сифатларни бугунги кун устозлари учун ҳам ибрат намунаси қилиб кўрсатиш мумкин.

А д а б и ё т л а р :

1. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Навоий А. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2006.
3. Румий Ж. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2008.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2013.
5. Қаюмов А. “Ҳайратул-аброр” талқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
6. Қаюмов Л. Меридианлардаги учрашувлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
7. Қурони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўлпон, 1992.

**SCIENTIFIC FIELD - SCIENTIFIC PROCESS (ACADEMICIAN AKMAL SAIDOV'S
"COMPARATIVE INTRODUCTION TO THE BOOK "INTRODUCTION TO
LITERATURE"**

Kosimov A

**THE CAUCASUS AS A MUSE IN THE WORK AND LIFE OF ALEXANDER
PUSHKIN**

Topvoldiyev K

NATIONALITY: YESTERDAY AND TODAY

Qayumov A

**IN THE TEACHER-STUDENT RELATIONSHIP APPLICABLE MANAGEMENT
ART LINGUCULTUROLOGICAL RESEARCH**

Muminov S, Muminov Sh

INTEGRATION OF LANGUAGE AND EDUCATION IN UZBEKISTAN

Muslimonova N

**THE ARTICAL INFLUENCE OF THE MOON IMAGE IN POETRY AND
NATIONAL SELF-DETERMINATION**

Abdurahmonov A

**THE DEVIL IN THE MAN IN THE MIRROR ARTICAL INTERPRETATION OF
IMAGE**

Azizov N

MEDICAL TERMIN AND METAFORA

Rozimatova D

JAMAL KAMAL EIGHTH

Quvvatova D

COMMUNICATIVE CONSCIOUSNESS AND PAREMIA

Karimova M

SPEECH OF PRESCHOOL CHILDREN MODERN METHODS OF DEVELOPMENT

Mamajonova Sh

**THE QUESTION ABOUT THE APPLICATION OF INTERACTIVE
TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE
IN NON-LANGUAGE DIRECTIONS OF BACHELOR**

Abdurakhmanov F, Allabergenov B

PROSODICS ON RESEARCH

Gazieva M, Burxanova M

**ARTISTIC INTERPRETATION OF THE IMAGE OF A HISTORICAL PERSON: (ON
THE EXAMPLE OF NAVOI IMAGE)**

Yusupova M

UNIQUE FEATURES OF BAHRAM RUZIMUHAMMAD'S POETRY

Xojaev S, Axmadaliev M

**COMPARATIVE ANALYSIS OF SOMATISM "HEAD" IN THE UZBEK AND
ENGLISH LANGUAGES**

Gadoeva M

ALISHER NAVOI LYRICS ON PEOPLE'S IMAGE PERFORMANCE

Rajabova M

THE DIFFERENTIATION OF NEAR-SYNONYMS

Abdulkhaeva M



RESEARCH
SUPPORT CENTER

